OZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN
H O K I M I

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
Х О К И М И

438

**Q A R O R**

**2003 йил «30» октябр** **№468-К**

**Юридик шахсга ижарага кушимча**
**ер ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги конунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида»ги карорига хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 53-моддасига асосан ва А.Навоий ширкат хужалик аъзоларининг 2002 йил 19 августдаги 7-сонли « «Шалола» фермер хужалигига хужаликнинг №-145 контуридан 6,4 гектар, 146-контурдан 10 гектар, 79-контурдан 5 гектар, 166-контурдан 6,4 гектар, 149-контурдан 5,4 гектар, 165-контурдан 4,5 гектар, жами 37,7 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш карорини ва ер участкаларини бериш (Реализация килиш) масалаларини куриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 27 мартдаги йигилиш баёнидаги ижобий хулосани хамда «Шалола» фермер хужалигининг кушимча ер майдони ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини куриб чикиб

**К А Р О Р К И Л А М А Н:**

1. А.Навоий ширкат хужалик аъзоларининг 2002 йил 19 августдаги 7-сонли « «Шалола» фермер хужалигига хужаликнинг №-145 контуридан 6,4 гектар, 146-контурдан 10 гектар, 79-контурдан 5 гектар, 166-контурдан 6,4 гектар, 149-контурдан 5,4 гектар, 165-контурдан 4,5 гектар, жами 37,7 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш карори тасдиклансин.

3. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдуразвоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган кушимча ер майдонини йил якуни билан А.Навоий ширкат хужалиги хисобидан чикариш, тегишли меёрий хужжатларни ва давлат гувохномасини таёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (М.Мамадиёров)га «Шалола» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишини назорат килиш;

-туман Давлат солик инспекцияси (Б.Тураев)га «Шалола» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш ва солик ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-иктисослашган тижорат банкларига «Шалола» фермер хужалигининг банк хисобракамларидаги пул маблаглари харакатини тартибга солиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га «Шалола» фермер хужалигининг статистик хисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш топширилсин.

3.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдумуродов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** S. Negmatov **Ш.Негматов.**